



“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК
Фаргона вилоят худудий
бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Марғилон шаҳар Чилонзор МФЙ Тинчлик кўчасида яшовчи 8500 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Уланиш нуктаси.1 Чилонзор МФЙ Тинчлик кўча худудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали- темир) бўлган диаметри Ø150 атмосфера босими 0,3 АТМ кувурдан лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 1,5 км бўлган диаметри Ø100 ммли ичимлик сув кувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ

Марғилон шаҳар бўлими бош муҳандиси:


И.Газиёв

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ

Марғилон шаҳар бўлими ИЧБ муҳандиси:

А.Юсуфалиев





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи

У.Джўраев

Нуксон далолатномаси
(дефектный акт)

Биз куйида имзо чекиб далолатнома тузувчилар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Марғилон шаҳар бўлими бош мухандиси И.Газиёв, ИЧБ мухандиси А.Юсуфалиев, сув таъминоти бўлими бошлиғи А.Муқимжоновлар Марғилон шаҳар Чилонзор МФЙ Тинчлик, кўчани ичимлик сув тармоғини янгилаш учун куйидаги ишлар амалга оширилиши тавсия этилади.

Чилонзор МФЙ Тинчлик кўчаси					
№	Бажариладиган иш	Ўл.бирлиги	Сони	Маркаси	Изох
1	Ичимлик сув тармоғи тортиш	Метр	1500	Д-100	
2	Ичимлик сув кудук (калодец)	Дона	30	Д-1500	

Бош мухандис:

И.Газиёв

ИЧБ мухандиси:

А.Юсуфалиев

Сув таъминоти бошлиғи:

А.Муқимжонов